

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

“ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УЛАРНИ
ЎТКАЗИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ҲАМДА МАБЛАҒЛАРДАН
ФЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЙЎРИҚНОМАНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддалари ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Сайловларни қонун талабларига тўла мос равишда ўтказиш, ягона ҳуқуқ амалиётини қўллаш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган “Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома иловага асосан тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, сиёсий партияларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондига ижро учун юборилсин.

3. Жойларда сайловларни уюшқоқлик билан ташкил этиш учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссияларига доимий асосда ишловчи Комиссия котиби лавозими жорий этилгани, шунингдек ушбу лавозим бир штат бирлигида тариф разряди, лавозим маоши ва ойлик устама бир хил бўлган тартибда вилоят (шаҳар) ҳокимлигининг бош мутахассиси лавозимига тенглаштирилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоят (шаҳар) молия органлари вилоят (шаҳар) сайлов комиссияларининг доимий асосда ишловчи котибларига тегишли халқ депутатлари вилоят (шаҳар) Кенгаши томонидан улар ишга қабул қилинган кундан эътиборан ишлаган даври учун иш ҳақи тўлаб берилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишловчи аъзоси О. Абдуназаров зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 декабрь,
№ 860.*